



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
ТДТУ қошидаги ЎЎМИТС раҳбари  
С.С. Шаумаров  
2022 г.

PTV Academic Package дастурий таъминотларидан  
фойдаланишга мутлақ бўлмаган хуқуқларни бериш бўйича

## ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

**Буюртмачи:** Тошкент давлат транспорт университети қошидаги  
ўз-ўзини молиялаштирадиган илмий тадқиқот сектори (ТДТУ ЎЎМИТС)

Тошкент – 2022 й.

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТҮГРИСИДА МАЪЛУМОТ

<b>Энг яхши таклифларни танлаш мөхияти</b>	PTV Academic Package дастурий таъминотларидан фойдаланишга мутлақ бўлмаган хукукларни бериш бўйича ишни бажариш
<b>Лот бўлининиши</b>	Йўқ, лот бўлинмайди
<b>Хариднинг режа жадвали</b>	4 квартал 2022 йил
<b>Савдолар ўтказиладиган ой</b>	Октябр-ноябр 2022 йил
<b>Молиялаштириш манбай</b>	Бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан
<b>Бошланғич нархи (25000 БҲМ гача)</b>	95 000 000.00 UZS, КҶС билан.
<b>Тўлов шартлари</b>	Аккредитив ёки етказиб бергандан сўнг, агар етказиб берувчи биринчи тоифали банк томонидан берилган бўнак тўловини қайтариш учун банк кафолатини тақдим этса, олдиндан тўлаш мумкин.
<b>Тўлов муддати</b>	30 кун
<b>Тўлов валютаси</b>	UZS
<b>Товар етказиб бериладиган (ишлар бажариладиган, хизматлар кўрсатиладиган) жой ва шартлар</b>	Тошкент шахри.
<b>Товар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) муддати</b>	Шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.
<b>Амал қилиш муддати</b>	3 йил
<b>Танлаш иштирокчиларига қўйиладиган талаблар</b>	<p>Энг яхши таклифларни танлашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига шу каби ўхшаш товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш ишларини амалга оширишда иштирок этиш тақиқланмаган, уларда иштирок этиш учун қўйиладиган шартларни бажарган, рақобатга асосланган харид қилинаётган тегишли товарни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар), шунингдек хорижий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар) иштирок этишлари мумкин. Танлаш иштирокчиси шу каби товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибасига эга бўлиши керак. Маҳсулотнинг кафолат муддати 3 йил бўлиши шарт ва шу муддат ичida бепул рус тилида техник кўллаб-куватлаши керак.</p> <p>Танлаш иштирокчиси PTV GROUP компаниясининг дастурий таъминотларидан фойдаланиш хукукини сотиб олиш бўйича ишни бажариш керак. Танлов иштирокчиси етказиб берадиган дастурий таъминотга маҳсус талаблар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Камида 100 та иш жойига мўлжалланган бўлиши керак;</li> <li>- Камида 36 ой давомида рус тилида техник ёрдам мавжуд бўлиши керак;</li> <li>- Дастурий таъминот факат ўқув жараёни учун мўлжалланган бўлиши керак</li> <li>- Дастурий таъминот лицензияга бўлиши шарт. Дастурий таъминотларидан фойдаланиш хукукини берувчи лицензиянинг муддати 3 йилдан кам бўлмаслиги керак.</li> </ul>
<b>Таклифни расмийлаштириш шакли</b>	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан
<b>Таклифлар бериш муддати (камида 5 иш куни)</b>	5 иш куни
<b>Масъул хизмат, боғланиладиган шахс, телефон, эл. почта</b>	Тошкент давлат транспорт университети қошидаги ўз-ўзини молиялаштирадиган илмий тадқикот сектори бош хисобчиси Валиев Соҳиб, тел: +99890-934-31-51

# **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

- 1 Умумий қоидалар**
- 1.1 Ушбу харид қилиш хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Қонуни (бундан буён – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллый агентлигининг «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Бошланғич нархи ва валюта харид қилиш хужжатларининг энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида маълумотида кўрсатилган. Таклифда кўрсатилган нархлар бошланғич нархидан ошмаслиги керак.
- 1.3 Харид қилинадиган товарлар (хизматлар, ишлар) учун техник топшириқ маҳсус ахборот порталида эълонида келтирилган.
- 2 Танлаш ташкилотчилари**
- 2.1 Энг яхши таклифларни танлашнинг (бундан буён – Танлаш) Буюртмачиси ТДТУ қошидаги ЎЎМИТС(бундан буён – Буюртмачи) ҳисобланади. Буюртмачининг юридик манзили: Тошкент, Миробод тумани, Темирийўлчилар кўчаси, 1-үй
- 3 Танлаш иштирокчилари**
- 3.1 Танлашда юридик шахслар, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, ушбу хужжатда кўрсатилган шартларни бажарган (ушбу харид қилиш хужжатларининг 4.2-бандида санаб ўтилган шахслар бундан мустасно), шунингдек шу каби товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибасига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин.
- 3.2 Иштирокчилар шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларга эга бўлишлари керак.
- 4 Танлашни ўтказиш тартиби**
- 4.1 Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қонунчилик ва харид қилиш хужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ таклифини тақдим этиши шарт. Кўйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун рухсат берилмайди:
- зарур хужжатларни белгилангандан муддатда тақдим этмаган;
  - қайта ташкил этиш, тутатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
  - буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси холатида бўлган;
  - инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган;
  - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган;
  - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ

		қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги 01-02/15-42-сонли ва 2020 йил 6 сентябрдаги 2020-34-сонли, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Кенгашининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7 ва 2020 йил 5 сентябрдаги 20/1-сонли, 01-02/19-22, 7/4-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июнда 2467-сон билан рўйхатдан ўтказилган ва 2020 йил 12 октябрда 2467-3-сон билан ўзгартириш ва қўшимча қилинган) қарорларига мувофиқ рўйхат бўйича имтиёзли солик режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор худудлар) иштирокчилар рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамлари бўлган;
	4.3	<ul style="list-style-type: none"> <li>- харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака ҳужжатларини тақдим этган;</li> <li>- таъсисчилари бир хил шахслар бўлган. Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси бир хил танлаш лотида иштирок этиш ҳукуқига эга эмаслар.</li> </ul> <p>Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчуни харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдиrsa;</li> <li>- иштирокчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.</li> </ul>
5	5.1	Танлаш тили, ўлчов бирликлари
6	5.2	Таклиф ва уни расмийлаштириш тартиби
	6.1	Махсус ахборот порталида (бундан бўён – МАП) эълон қилинган танлаш шартлари бўйича таклифни электрон шаклда юборадилар.
	6.2	<p>Танлаш иштирокчиси:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг</li> </ul>

		хақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгардир;
	6.3	- фақат битта таклифни тақдим этишга ҳақли;
		- тақдим этилган таклифни бундай таклифларни тақдим этиш муддатидан олдин қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.
7	7.1	<b>Таклиф ва барча хужжатлар электрон шаклда МАПга тақдим этилади.</b>
	6.4	Таклиф МАПда эълон қилинган пайтдан эътиборан лотнинг амал қилиш муддати давомида қабул қилинади.
	6.5	Иштирокчиларнинг таклифлари амал қилиш муддати тақлифни тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камидা <b>30 кун</b> бўлиши керак.
8	7.2	Агар зарур бўлса, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш иштирокчиларига ўз таклифларининг ҳақиқийлигини Харид комиссиясининг қарори билан маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин. Таклифни тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон МАПда жойлаштирилади ва зарур ҳолларда буюртмачининг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.
	8.1	Зарурат бўлганда, буюртмачи харид қилиш хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камидা уч иш кунига узайтирилади. Товар (иш, хизмат) номи ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
9	9.1	Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш таклифни тақдим этиш муддати тугаганидан бошлаб ўн иш куни мобайнида Харид комиссияси томонидан амалга оширилади.
	9.2	Харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳолайди.
	9.3	Рўйхат, шунингдек иштирокчи томонидан тақдим этиш учун зарур бўлган хужжатлар шакллари харид қилиш хужжатларининг <b>1-иловасида</b> кўрсатилган..
	9.4	Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатларда келтирилган маълумотлар ишончсиз деб топилган бўлса, Харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақлидир.

	9.5	Таклифни баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш МАП эълонида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади.
	9.6	Таклиф амалдаги Конун ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган бўлса, тўғри расмийлаштирилган деб тан олинади.
	9.7	Агар таклифни тақдим этган иштирокчи амалдаги қонунда белгиланган талабларга ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса Харид комиссияси уни рад этади.
	9.8	Таклифни баҳолаш жараёнида буюртмачи танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифлари ҳақида тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу тартиб расман, ёзма равишда белгиланган тартибда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳиятида, шунингдек нархда ҳеч қандай ўзгаришларга йўл кўйилмайди.
	9.9	Агар танлаш шартларига кўра танлаш иштирокчилари турли валюталарда таклифлар киритган бўлсалар, баҳолаш давомида таклифлар суммалари маҳсус ахборот порталида эълон қилинган санадаги (лотнинг бошланиш санаси) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютада хисобланади.
	9.10	Харид қилиш ҳужжатларида ва таклифларда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
	9.11	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, харид комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилган ҳолда, харид таклифини рад этиш ёки уни кўриб чиқиш учун бошқа шартларни аниқлаш ҳуқуқига эга.
	9.12	Хорижий ва маҳаллий Танлов иштирокчилари нархларини тўғри таққослаш учун баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (соликлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) хисобга олинади. Бундан ташқари, агар бошланғич нархи хорижий валютада кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (соликлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) хисобга олинган ҳолда ҳам қайта хисоблаб чиқиласди.
10	10.1	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари баҳолаш баённомасида қайд этилади.
10	10.2	Баённома рўйхатга олинган куни давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари электрон тизимида икки иш куни давомида муҳокама учун жойлаштирилади. Агар танлаш натижалари бўйича икки иш куни мобайнинда танлаш иштирокчиларидан эътиrozлар

		<p>келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб тан олинган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.</p> <p>Танлаш натижалари асосида иштирокчилардан эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.</p> <p>Мухокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.</p>
11	<b>Томонларнинг жавобгарлиги ва маҳфийликка риоя қилиниши</b>	<p>10.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижаси эълон қилингандан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси танлаш натижаларини аниқлаштириш учун буюртмачига сўров юбориш хукуқига эга.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган маҳфийликка риоя қилиниши учун ахборотни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг қолган аъзолари ва жалб этилган эксперталар билан келишишга рухсат бериш, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун таклини ўрганиш учун ташкил этилган Комиссиянинг раиси ва аъзолари жавобгар бўладилар.</p> <p>Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдор ва сифат кўрсаткичларида) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.</p> <p>Танлаш иштирокчилари томонидан амалга оширилган ҳаракатлар учун харид комиссияси жавобгар эмас.</p>
12	<b>Бошқа шартлар</b>	<p>11.1 Ҳарид комиссияси танлаш иштирокчисидан илгари кўрсатилган хизматлар бўйича учинчи шахслардан фикр-мулоҳазаларни сўрашга ҳақли.</p> <p>11.2 Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш бўйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш хукуқига эга.</p> <p>11.3 Танлаш иштирокчиси Буюртмачининг электрон почта манзилига харид қилиш ҳужжатларининг <b>2-иловасида</b> келтирилган шаклдаги харид қилиш ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун Буюртмачига сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи кўрсатилган сўровни олган кундан бошлаб икки иш куни ичида, агар кўрсатилган сўров буюртмачи томонидан белгиланган муддатдан камида уч кун олдин олинган бўлса, харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришларни тақдим этиш учун белгиланган шаклда юбориши шарт. Харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришлар унинг моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.</p> <p>12.1 Ҳарид комиссияси танлаш иштирокчиларни тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш хукуқига эга.</p> <p>12.2 Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш бўйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш хукуқига эга.</p> <p>12.3 Танлаш иштирокчиси Буюртмачининг электрон почта манзилига харид қилиш ҳужжатларининг <b>2-иловасида</b> келтирилган шаклдаги харид қилиш ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун Буюртмачига сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи кўрсатилган сўровни олган кундан бошлаб икки иш куни ичида, агар кўрсатилган сўров буюртмачи томонидан белгиланган муддатдан камида уч кун олдин олинган бўлса, харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришларни тақдим этиш учун белгиланган шаклда юбориши шарт. Харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришлар унинг моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.</p> <p>12.4 Танлаш қўйидаги ҳолларда харид комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- танлашда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса;</li> </ul>

- 13 Шартнома тузиш
- 12.5 - агар таклифларни кўриб чиқиши натижаларига кўра, харид комиссияси барча таклифларни харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса.
- 12.5 Буюртмачи ғолиб бўлган таклифни қабул қилишдан олдин исталган вақтда танлашни бекор қилиш ҳукуқига эга. Танлаш бекор қилинган тақдирда, буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини МАПда эълон қиласди.
- 13.1 Танлаш натижаларига кўра, шартнома харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган шартнома шартлари асосида тузилади.  
Шу билан бирга, харид қилиш ҳужжатларига илова қилинган шартнома лойиҳаси **якуний эмас** ва шартнома тузилгандан кейин Буюртмачи шартнома матнига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу харид қилиш ҳужжатларига зид бўлмаган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчи билан келишилган ҳолда, ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
- 13.2 Харид комиссиясининг қарори билан танлаш ғолиби деб эълон қилинган танлаш иштирокчисига ғолиб аниқланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида харид комиссиясининг қарори тўғрисида ёзма хабарнома юборилади. Буюртмачи ва танлов ғолиби, ғолиб эълон қилинган пайтдан эътиборан **10 (үн) иш куни** ичида шартнома тузишлари лозим.
- 13.3 Агар танлаш ғолиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳукуқи захира ижрочига ўтади. Бундай ҳолда, захира ижрочи танлаш ғолиби томонидан таклиф қилинган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.
- 13.4 Ғолиб томонидан шартномани кечиктириш шартномани тузишни рад этиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолда, танлашнинг навбатдаги (захирадаги – баҳолаш натижаларига кўра иккинчи ўриндаги) иштирокчининг мақбул таклифи кўриб чиқилади.

**Таклиф хужжатлари  
РҮЙХАТИ**

1. Танлаш иштирокчиси ва унинг таъсисчилари ҳақида умумий маълумотлар (*1-шакл*).
2. Иштирокчи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини тасдиқловчи кафолат хати (*2-шакл*).
3. Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича ариза (*3-шакл*).

**ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКИДА**

№: \_\_\_\_\_  
 Сана: \_\_\_\_\_

**ТДТУ ЎЎМИТС  
 харид комиссиясига**

**Танлаш иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот**

1	Ташкилий-хукуқий шаклини кўрсатган ҳолда юридик шахснинг тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар (рўйхатдан ўтказилган сана, рўйхат ўтказилган рақами, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)	
3	Юридик манзили	
4	Боғланиш учун телефон, факс, e-mail	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Фаолиятининг асосий йўналишлари	
7	<b>Таъсисчилар ҳақида маълумот</b>	(тасдиқловчи маълумотларларни илова қилиши зарур)

(ваколатли шахснинг имзоси)

(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими)

М.Ў.

Сана: «\_\_\_\_\_» 2022 й.

*ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА*

№: \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_\_\_\_

**ТДТУ ЎЎМИТС  
харид комиссиясига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_ компанияси:  
(компания номи)

- 1) аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини;
- 2) қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- 3) буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- 4) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслигини;
- 5) имтиёзли солиқ берадиган ва/ёки молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўtkazilganда маълумотларнинг ошкор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кўзда тутилмаган давлатлар ёки худудларда рўйхатдан ўтмаганлиги ва ушбу худудларда рўйхатдан ўтган банкларда ҳисоб рақамларига эга эмаслигини;
- 6) инсофиз ижочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаланлигини тасдиқлаймиз.

Рахбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

**ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА**

№: \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_\_\_\_

**ТДТУ ЎЎМИТС  
харид комиссиясига**

**Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича  
АРИЗА**

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_ компанияси:  
(компания номи)

- 1) 1) Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ти ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларига риоя этиш мажбуриятини олганлигини;
- 2) Ҳар қандай ҳозирги ёки аввалги мансабдор шахсга ёки Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ходимига ишга ёллаш тўғрисида ёки бирорта ҳатти-ҳаракатни амалга оширишга таъсир кўрсатиш, давлат харидлари жараёнида Буюртмачининг бирорта харид тартиб-таомилларини қўллаш ёки қарор қабул қилиш мақсадида хизмат кўрсатиш ёки тўғрисидаги таклиф, ҳар қандай шаклдаги рағбатлантирувни бевосита ёки билвосита таклиф қилмаслик мажбуриятини ўзига олганлигини;
- 3) Коррупцияга қарши ҳаракатлар содир этмаслик мажбуриятларини ўз зиммасига олганлигига, шу жумладан аффилланганлик ҳолатлари аниқланганда;
- 4) Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш хуқуқига эга бўлган таъсисчилар ва/ёки ходимлар ўртасида яқин қариндошлик алоқаларига эга эмаслигини;
- 5) Нархларни ёки танлаш натижаларини бузиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан келишувга эга эмаслигини;
- 6) фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини;
- 7) сохта ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этмаслигини, ушбу лотда иштирок этган аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлаймиз.

Рахбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

Харид қилиш ҳужжатларига  
2-илова

**Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари  
қоидалари маълумоти сўров шакли**

*Иштирокчи ташкилот бланкисда (агар мавжуд бўлса)*

Танлашни ўтказиш бўйича  
харид комиссияси

Сайтга [MAP ёки расмий сайт] жойлаштирилган, харид қилиш ҳужжатига аниқлик киритилишини сўраймиз [товарларни етказиб берниш, ишларни бажарниш, бюджет буюртмачилари учун хизмат кўрсатиш]:

№ т/р	Харид қилиш ҳужжатлари бўлими	Харид қилиш ҳужжатига аниқлик киритиш керак бўлган банд	Харид қилиш ҳужжатига аниқлик киритиш учун сўров мазмуни
1	2	3	4

Ушбу сўров бўйича маълумотларни кўрсатилган манзилга юборинг [почта адреси, электрон почта манзили, факс рақами]

[санаси, ой, йил]

[Сўровга имзо кўйган масъул шахснинг исми] [имзо]  
[И. Ш. О.]

М.Ў.